


БУГУН КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЕН САМ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН КЕЛАДИ

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ЖАНОБ ПРЕЗИДЕНТ!

김영삼 대통령 각하 내외분의 방문을 진심으로 환영합니다!



Ўзбекистон - келажаги буюк давлат



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

4 ИЮНЬ, ШАНБА, № 109 (857).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил



СУРАТДА: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОВЕВ тасвири (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов республикада меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Конгресси сенатори Арлет Спектерни қабул қилди. Суҳбат чоғида парламент-

лараро алоқаларни кенгайтириш, ҳар икки томон учун фойдали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди. Меҳмон самимий учун миннатдорлик

риб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни катта таъассурот қолдирганини таякидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини С. Саидқоси-

мов, АҚШнинг Ўзбекистондаги фахшудода ва муҳтор элчиси Гери Ли Кларк иштирок этди.

Шу кунин сенатор Арлет Спектер республика Олий Кенгашида ҳам қабул қилди.

САМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига соғлиқ ва бахт, биродар Ўзбекистон халқига эса равақ ва фаровонлик тилашдан мамнунман.

Ўтмоқ фурсатдан фойдаланиб, Жазоир билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашга ҳозирлигинини изҳор этмоқчиман.

Чуқур эҳтиром билан

Лиянни ЗЕРУАЛ,
Жазоир Халқ Демократик
Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига ўз номидан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табриклар йўллаш, мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса тараққиёт тилашдан мамнунман.

Аллоҳ таолодан барча ислом умматига фаровонлик ва равақ сўраб қоламан.

Зайн ал Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни муборак Қурбон ҳайити муносабати билан қизинг табриклайман. Сизга ва биродар Ўзбек халқига бахт, омад ёр бўлсин!

Абдул Раҳмон БИСВАС,
Бангладеш Халқ Республикаси
Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийларига,
Муборак ийд ал Адха тантаналари муносабати билан Филиппин халқи номидан самимий табриклар йўллашдан, Сизга ва халқингизга мустақам соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилашдан мамнунман.

Филиппин мусулмонлари кенг нишонлаётган бу байрам жаҳонда тинчлик, ўзаро бир-бирини англаш, мурося на миллатлар бирдамлигини олиб келсин.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари янада муваффақиятли ривожланиб деб умид қиламан.

Илҳами муборак ийд ал Адха!

Фидел В. РАМОС,
Филиппин Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОИ

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТУГРИСИДА

Жамоа хўжаликларини, давлат хўжаликларини, ижара фермер ва бошқа хўжаликларини бошқоқли дон экинлари етиштиришда қўлайтиришга рағбатлантириш мақсадида ва моддий-техника ресурсларининг нархлари ошгани муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. 1994 йил ҳосилидан бошлаб бошқоқли дон экинларининг ўртача харид нархлари қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Вуғдой — тоннаси 500 миң сўм-купон

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 июнь.

И. ҚАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУГРИСИДА

Республика табиатини муҳофаза қилишдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин:

Благовешенская Нина Николаевна — Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус таълилий назорат позирлигининг бошлиғи

Каттаҳужаев Жалолиддин Сайдалиевич — Андижон вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Мирзааббаров Исмоилжон — Фарғона вилояти Риштон туманлараро табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Мустафоев Кубейси Абдулқодирович — Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳайоноат ва ўсим-

лик дунёсини асраш бўйича биринчи тоифали мулк тахассиси, судочье тезкор гуруҳининг бошлиғи

Нарзиев Искандар Иброҳимович — Бухоро вилояти Пешку-Шофиркон туманлараро табиатни муҳофаза қилиш позирлигининг бошлиғи

Раҳимов Раҳимжон — Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг муовини

Савелло Владимир Леонидович — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ер манбаъларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш бош бошқармасининг бошлиғи

Самгулиева Фаина Шайдуловна — Навоий вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сув ресурсларини қўриқлаш позирлигининг бошлиғи

Сатторов Абдуқошим — Жиззах вилояти Зомиа тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат назоратчиси

Сувонов Пирмаат — Қашқадарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Ҳайдаров Қудратилла — Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғиботи бўлимининг бошлиғи

Хаустова Нина Викторовна — Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атмосфера ҳавосини

муҳофаза этиш позирлигининг бошлиғи

Холбеков Нажмиддин Сатторович — Сирдарё вилояти Ш. Рашидов тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бошлиғи

Шамсимуҳамедов Исмоил Усмонович — Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг олий тоифали мутахассиси

Юсупов Мамасодиқ — Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи муовини

Ҳабибуллаев Асхад Шарипович — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 июнь.

Хитой халқида дарёлар 30 йил фарбга, 30 йил эса шарқда қараб оқади, деган нақл бор. Бу жаҳон тараққиёт марказларининг ўзаро туришига бир шорона ишорадир. Аниқ ҳисоб-китобни хуш кўрадиган олимлар эса жаҳонда тараққиёт маркази ҳар 800 йилда фарбдан шарқга, шарқдан эса фарбга кўчади, деган фикр билдиришган. Келгуси асрда иқтисодий ва маънавий юксалиш учоғи шарқда кўчишни башорат қилаётган мутахассислар бу ўринда Осиёнинг Тинч океани минтақасида жойлашган Малайзия, Сингапур каби мамлакатларни тилга оладилар. Осиёдаги айрим халқларда аждаҳо куч-қудрат рамзи ҳисобланади. Шу сабабли бўлса керак, келажаги нурафшон бу мамлакатларни «Митти аждаҳо» деб аташ ҳам расм бўлаётти.

Шу «Митти аждаҳо»нинг яна бири Жанубий Кореядир. Корея ярим оролида жойлашган. Жаҳон маданияти ўчоқларидан бўлган бу мамлакатнинг давлатчилик тарихи жуда қадимий ва бой. Эраиздан аввалги 2333 йилда Корея ҳудудида илк бор Чосон давлати барпо бўлган. Шундан сўнг Корея халқи Силла, Когурё, Пэкчэ, Пархэ, Бирлашган Силла Қироллиги, Коре, Чосон давлати, Тэхан империяси даврини бошдан кечирди. 1910 — 1945 йиллар Корея тарихида Япон мустамаккачилари ҳукумронлиги даврига тўғри келди. Иккинчи жаҳон уруши низоҳисидан корея халқи япон мустамаккачилардан халос бўлди. Вироқ, социалистик ва капиталистик тузум ўртасидаги эзидиёт оқибатида ягона халқ иккига бўлинди. Корея ярим оролида тузуми бир-бирига эид икки давлат яратилди. Корея халқи ҳақиқатда ана шу бўлишни жаҳрини тортиб келаетти. Корея Республикаси ташқи ишлар вазирлиги 1948 йилдан буй ҳукумат мамлакат иқ-

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга асосланган сибсат енгил санаят маҳсулотларини экспорт қилишни кучайтиришга таянар эди. Бу ишни амалга оширишда бозор механизмларидан кенг фойдаланилди. Ҳукумат тижорат банкларига фонд ставкаларини 26 фоизгача оширишга ижозат берди. Мамлакатда ҳукуматнинг бу йўлини қувватламаган кучлар ҳам анчагина эди. Улар иқтисодиётда чет эл сармоҳиси ҳиссасининг ортиб кетиши

ларни бошқариши муҳим аҳамият касб этди. 1985 йилга келиб, Кореянинг ташқи қарзи 46,8 миллиард доллар эди. Бу — жаҳондаги қардор мамлакатлар рўйхатида туртинчи ўрин дегандир. Пул қадрсизла-нишининг олдини олиш, то-вар ишлаб чиқаришни кў-лайтириш, экспортни ошира бориш натижасида Корея ташқи қарзларидан тезда қутла борди. 1989 йилга келиб эса қарзларини тў-лаб бўлиш билан чекланиб қолмай, қарз берадиган мамлакатлар қаторидан ўрни олди.

КОРЕЯ МУЪЖИЗАСИ

Жаҳонда Корея иқтисодий муъжизаси ҳақида га-пира бошладилар. Аммо, 90-йиллар бошларида мам-лакат иқтисодиётида бир-оз турғуллик зоҳир бўл-ди.

Жанубий Корея бугунга келиб, юксак даражада та-раққиёт этган санаят дав-лати сифатида таяниди. Республика кемеасолик со-ҳасида дунёда етакчи ўрни-га кириб олди. Мамлакатда автомобилсозлик, радио электроника, кимё, нефтни қайта ишлаш санаяти жа-дал ривожланмоқда. Енгил санаят маҳсулотлари жа-ҳон бозорига рақобатбар-дошлиги билан таяниди. Республика ҳудудининг чорак қисмида деҳқончилик қилиниб, пахта, шол, ар-па, буғдой, сабзавот ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинмоқда.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро (Давоми 2-бетда).

ТУПРОҚ ҚОЛАТИНИ ЯХШИЛАЙДИ

НУКУС шаҳри, Кегейли, Чимбой, Қораўзақ туманларидаги оқова суларини оқизувчи шимолӣ зовур қазинга киришляди.

Қорақалпоғистон ҳудудида илк марта ишлятляётган «Кинз» русумли экскаватор кунига одатдагидан 10 баробар кўп ҳажмда иш бажариб йилгини 15 марта кам сарфлямоқда. 3 кишидан иборат жамоа кунига 60 метр зовур қазймоқда.

Қорақалпоғистон «Ремсувқуриш» бир-лашмаси иштиоти келаси йилда фойдаланишга топиригач, далаларнинг мелiorатив ҳоляти анча яхшилянади.

Ўзбекистон валюта биржасида

3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида навабдотлар савдо бўлди. Унда олтига ваколатли банк дилерлари иштирок этди. Сўм-купоннинг АҚШ долларига нисбатан қиймати анқиланди. Бу қиймат бир долларга 4372 сўм-купонни ташкил этди. Савдо чоғида бир миллион 400 миң АҚШ долларини сотилди. Бошқа ва-

1 Австралия доллари	3219,98
1 Австрия шиллини	375,52
1 инглиз фунт стерлинги	6590,79
10 Бельгия франки	1283,62
1 голланд гульдени	2356,75
10 Греция драхми	176,72
1 Дания кронаси	673,39
1 АҚШ доллари	4372,00
1 Миср фунти	1293,49
1 Ирландия фунти	6437,33
1 Франция франки	61,86
10 испан песети	319,99
100 италиян лираси	272,23
1 Канада доллари	3156,68
1 Қўвайт динори	14705,68
10 Ливан фунти	25,99
1 немис маркаси	2642,01
1 Норвегия кронаси	609,42
10 Португалия эскудоси	254,19
1 Сингапур доллари	2848,58
10 Туркия лираси	1,27
1 финн маркаси	799,36
1 Франция франки	773,67
1 швед кронаси	555,41
1 Швейцария франки	3110,64
1 ЭИО	5089,88
10 йлов иенаси	416,58
1 Россия рубли	2,26
1 эстон кронаси	332,36
10 украин карбованеци	2,90
1 Латвия лати	775,77
1 Литва лити	1093,00
1 қозғоч теңгеси	105,99
1 молдован лейи	1072,68
10 Беларусь рубли	2,01

Ўзбекистон—Корея: дўстлик ришталари мустақамланаверади

МАМЛАКАТИНГИЗ РАВНАҚИГА

ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ СЕ ГЕН И БИЛАН МУСОҲАБА

— Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алоқалар тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Қўшма Афросиёб топилмаларининг гувоҳлиги беришича, икки халқ орасидаги бори-келишлар эрамининг VII асрларида ҳам мавжуд бўлган. Аммо кейинчалик бундай алоқалар узлиб қолган. Бу ҳол неча юз йиллаб давом этди. Таъбир жоиз бўлса, бутунги кунда бизнинг халқларимиз бир-бирларини янгитдан қамқоқ қилишга, дейиш мумкин. Сир бўлмас айтиш-чи, сиз Корея Республикасининг мустақил Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида ўз вазифангизни бажаришга киришганингизда қандай туғулларин бошдан кечирдингиз?



нинг улкан илмий-техник, имкониятлари ҳақида яққол тасаввурга эгадирлар. Бизнинг ишбилармонларимиз ўзaro тенг ҳамкорлик икки тарафлама фойда келтириши ва мавжуд алоқаларимизнинг узок мудат давом этишига ёрдам беришни яхши билишди.

— Жаноб элчи, давлатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликларнинг истиқболлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Умумий ҳўжалик лойиҳалари устидан ишлар бошқа барча йўналишлардаги алоқаларнинг жонлишига олиб келади. Чунки ўзaro бир-биримизни англаб, тушуниб етмай туриб, бирон нарсага эришиш қийин.

Шу боис айтиш мумкин, бизнинг маданий соҳалари ҳамкорлигимизда эндигина илк қадамлар ташланмоқда. Аминманки, қадимий ўзбек фалсафаси, адабиёти, архитектураси, санъати билан яқиндан танишув корей халқининг маънавий дунёсини янада кенгайтиради ва бойлатади.

— Президентимиз Ислом Каримов 1993 йилнинг март-апрелда хорижий журналистлар иштирокида ўтказган матбуот конференциясида Ўзбекистон-Корея муносабатлари ҳақида тўхталиб, Ўзбекистоннинг 200 миң фуқароси корей миллатига мансуб эканлигини айтган эди. Жанубий Корея Республикаси раҳбарияти сўзсизда ана шу омиғ эътиборга олинганми?

— Биз Ўзбекистондаги корей диаспорасини яққол давлатини бир-бирига яқинлаштирувчи омиғ деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон халқининг сўзсизда ёрдами ва биродарларча кўмағи туғайли корейлар сизнинг кўп миллатли халқларингизнинг ажралмас бўлишига айланганлигини Корея Республикасида яхши билишди. Мен уларнинг мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаган буюк давлатга айланishiда муносиб ҳисса қўшишларини истайман.

— Корея Республикасининг Президенти Ким Ён Самнинг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлаш йўлида муҳим қадам бўлишига бизнинг мамлакатимизда ишонимизми?

— Ким Ён Самнинг Ўзбекистонга ташрифи Ислом Каримовнинг Сеулга ташрифининг узвий давоми, яъни, Корея Республикаси раҳбарининг жавоб қануналар билан муносабатларини янада чуқурлаштириш ва ўрнатилган алоқаларининг янада чуқурлашуви, кенгайишига, уларнинг янги, юқори босқичга кўтарилишига умид боғламоқдалар.

Жанубий Корея ишбилармонлари Ўзбекистоннинг имкониятларини биринчи раундан бўлиб англаб етди-лар ва иқтисодий-техника сармоғи киритишга ошқиндилар. Аниқ пайтда мамлакатимизда 15 дан зиёд Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар энгил саноат, машинасозлик, электроника соҳаларини ривожлантиришда самарали ишлар қилмоқдалар.

Жанубий Кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзaro алоқаларини янада кенгайтиришга интиляпти. Ана шу мақсадда республикамизга Жанубий Кореянинг бир қанча делегациялари ташрифи буюрди. 1993 йилнинг июнь ва ноябрь ойларида ташрифи буюрган Корея парламенти делегацияси ҳамда мамлакатдаги 170 кўдратли корхона ва фирмаларнинг бирлаштирган «Жанубий Корея-МДХ» иқтисодий ассоциацияси делегацияси шулар жумласидандир. Чонг Ван Чой раҳбарлигидаги «Жанубий Корея-МДХ» иқтисодий ассоциацияси делегацияси ташрифи кунлари Ўзбекистон вазирилари ва муассасалари вакиллари иштирокида қўшма семинар уюштирилди. Унда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофида муҳоама қилинди.

Икки мамлакат ҳақлари ўртасида маданий, алоқалар ҳам кўнгилдагидек ривожланипти. Жанубий Кореянинг «С-Э-Ти» фирмаси таклифига биноан «Ялла» вокал-чолгу ансамбли Кореяда ўзбек санъатини намойиш қилиб қайтганига кўп вақт бўлгани йўқ. Республикаимизда яшайдиган энг кўп корейларнинг 200 миңга нафардан зиёд қарей миллатига мансуб фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи корей маданий марказлари ассоциацияси бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Ушбу ассоциация Корея Республикасининг турли компаниялари, фирмалари, жамоат ташкилотлари билан иқтисодий, маданий, илмий алоқалар ўрнатган. Маълумки, ўзaro муносабатларнинг мустақамлашишида бошқа халқ маданияти, фани ва анъаналарини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли 1993 йилнинг 28 май кунини Тошкентда Корея Республи-

Кореяда давлатчилик тизми анъанавий конституциялик иқтисодий-сиёсий қарашларга асосланган. Мамлакатда 1392 йилдан 1910 йилгача ҳўжмронлик қилган Чосон сулоласи даврида бу ёллар расмий давлат мафкурасига айланган.

Республика парламенти— Миллий Мажлис қонун чиқарувчи бир палатали олий ҳўкмият органидир. 299 депутат тўрт йил мудатга сайланади. Нонбларнинг учдан икки қисми умумий сайловларда сайланади. Қолган жойлар тўғридан-тўғри сайловларда бешта ва ундан кўп ўрин олган партиялар ўртасида пропорционал тақсимланади. Партиялар парламента маҳаллий манфаатларини эмас, умумдавлат манфаатларини кўзлаб иш тутадиган муносиб вакиллари йўлайдилар. Миллий Мажлисга сайловларда ёши камда 25 га етган фуқароларнинг номзоди қўйилади. Ҳар бир сайлов округидан кўпчилик овоз олган битта номзод сайлаб олинади.

Депутатлар маълум имтиёзларга эга. Масалан, Мажлистан бўлак ерда айтган фикр-мулоҳазалари, қонун чиқарувчи палатада овоз берганлари учун жавобгар эмаслар. Жиноят устида қўлга олинмас, депутат камалини мумкин эмас. Агар депутат сессия очилганига қалар ҳисба олинган, қамонҳонда ушлаб турилган бўлса Миллий Мажлис сўрови билан сессия пайтда озод этилиши мумкин. Жиноят устида қўлга олинганлар бундан мустаснодир.

Имтиёзлар билан бирга, табиийки, маълум чеклашлар ҳам мавжуд. Миллий Мажлис аъзолари қонунда

берилган овозлар тенг келиб қолса масала кўн тартибидан тушириб қўйилади. Конституцияга мувофиқ мамлакат парламенти иммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Улардан энг муҳими — қонун чиқарувчилик. Парламент депутатлар ёки маъмурий томонидан тақдим этилган барча қонун лойиҳаларини муҳоама этади ва қабул қилади. Иккинчи ва

ролли кўчаларини мамлакат хулудидан жойлаштириш ҳақидаги фармойишларни тасдиқлаш ҳўкукига эга. Миллий Мажлис давлат органларининг фаолиятини назорат қилиб туради. Унинг талаби билан Бош вазир, Давлат Кенгашининг аъзолари икרו этувчи органларнинг вакиллари парламента келиб, депутатларнинг сўровларига жавоб беришлари керак. Қонун

чиқарувчи ҳўкимият Президентга Бош вазир ёки Давлат Кенгаши аъзоларидан биронтасини лавозимидан четлаштириш ҳақида таъсия бериш ҳўкукига ҳам эга. Мансабдор шахсларни истеъфога чиқариш масаласи депутатларнинг учдан бир қисми розилиги, сессия қатнашчиларининг оқдий кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Агар Президент, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг биронта аъзоси, икרו этувчи вазирликлар раҳбарлари ёки юқори лавозимларни эгаллаб турган шахсларни хизмат бурчларини бажариб туриб, Конституцияга, исталган қонунга хилоф иш тутсалар, уни бузсалар парламент уларга қарши импичмент ҳақида иш қўзғашга ҳақлидир. Импичмент ҳақидаги масала депутатларнинг учдан бир қисми томонидан қўйилиши мумкин. Импичмент ҳа-

қида ўзига қарши иш қўзғатилган шахс вақтинча фаолиятини тўхтатиб туради. Импичмент лавозимидан четлаштириш билан чекланади. Бу, шўбҳасиз, уни маъмурий ёки жиний жавобгарликдан озод этмайди. Миллий Мажлис депутатлар орасидан Спикер ва унинг икки ўрибосарини икки йил мудатга сайлайди. Спикер яли мажлисларда раислик қилади. У қонун чиқарувчи ҳўкимият вакили мақомига эга. Спикер турли сабаблар билан сессияда қатнаша олмаётган пайтда эса унинг вазифасини ўрибосарларидан бири бажаради.

Парламент турли масалалар бўйича доимий ишлаб турувчи 17 қўмитага эга. Улар қонун чиқариш, юстиция, ташқи сийосат, ички ишлар, молия, иқтисодиёт, фан, миллий муфоза, маориф ва спорт, маданият ва информация, қишлоқ ҳўжалиги ва балиқ овлан, савдо ва саноат, соғлиқни сақлаш, меҳнат, бошқаруш, транспорт ва алоқа, қўрилиш, ташкилий масалалар билан шўғуланади.

Фавқулодда вазиятларда, парламент аъзоларини зудлик билан йиғишининг имконияти бўлмас Президент қонун кўчига эга бўлган фармойишлар бериши, фармон чиқариши, мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилиши мумкин. Кейинчалик у қўрилган таъбир ва чоралар ҳақида Миллий Мажлисга ахборот бериши, унинг розилигини олиши шарт.

Корея Республикаси парламенти халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозонган.

Анвар КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди.

ХАЛҚ ҲУРМАТИГА САЗОВОР ПАРЛАМЕНТ

Миллий Мажлиснинг навбатдаги сессиялари ҳар йили бир марта ўтказилади. Навбатдан ташқари сессиялар Президент талаби ёки депутатларнинг тўғридан бир қисми талаб қилганидагина ўтказилиши мумкин. Навбатдаги сессия 100 кунгача, навбатдан ташқари сессия эса 30 кунгача давом этади. Президент навбатдан ташқари сессияни қачирин билан парламента мувожадат қилар экан, унинг мудат ва сабабларини аниқ қўрсатиши керак. Президент талаби билан қачирин навбатдан ташқари сессия фақат икרו этувчи ҳўкимият бошлиғи тақдим этган қонун лойиҳаларини қўриб чиқади.

Парламент қарор қабул қилиши учун унда депутатларнинг яримдан кўп ҳўзири бўлиши, сессияда қатнашаётганларнинг яримдан кўп ёклаб овоз бериши шарт. Ёқлаб ёки қарши

— давлат бюджетини тасдиқлаш. Икרו этувчи ҳўкимият янги молиявий йил бошланишидан камида уч ой илгари бюджет ҳақидаги қонун лойиҳасини миллий мажлисга тақдим этади. Парламент молия йили бошланишидан камида бир ой илгари бу хўсулда қарор қабул қилиши лозим. Яна бир функцияси ташқи сийосат масалалари билан боғлиқ.

Миллий Мажлис бошқа давлатлар билан тузилган ўзaro ёрдам, ўзaro ҳавфсизлик ҳақидаги битимларини, халқaro алоқаларга доир, тинчлик, савдо-сотиқ, балиқ овлан ва бошқа соҳалардаги келишув ва битимларини ратификация қилади. Туртинчи функцияси, ҳарбий масалаларга боғлиқ. Миллий Мажлис уруш эълон қилинганни тасдиқлаш, қўролли кўчаларни чет эл қўла юбориш, чет эл қў-

БИЗНИНГ СПРАВКА

- ★ Жанубий Корея мамлакатининг ҳудуди 99,1 миң квадрат километрга ташкил этади.
★ Аҳолиси 43 миллион кишидан зиёд.
★ Мамлакатнинг ҳозирги Президенти Ким Ён Сам 1993 йилнинг 15 февралда сайланган. У кейинги 33 йил ичда ҳарбий бўлмаган биринчи Президентдир.
★ Ўзбекистон билан Корея ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган ҳақидаги ҳўжат 1992 йил 29 январь кунини имзоланган.
★ 1992 йилнинг июнь ойида Президентимиз Ислом Каримов Жанубий Кореяга расмий ташрифи билан борди. Ушбу ташрифи чоғида фан, техника, савдо, маданият, сайёҳлик ва бошқа бир қатор соҳаларда ҳамкорлик қилинига келишиб олинди. Сармоғларни ўзaro ҳимоялаш бўйича ҳам 5 та ҳўжат имзоланди.
★ Бугунги кунда мамлакатимизда 20 га яқин Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхоналари халқини турмуш фаровонлигини ошириш учун ишхўнда зарур бўлган кўнраб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Улар дунё меҳрини қозонишмоқда



Чет эллардаги йирик саноат корхоналарининг Ўзбекистонга қизиқиши катта. Шундан бўлса керак, юртимизда қўшма корхоналар сонини кўн сайини кўпайиб боришти. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга эса нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам эҳтиёж катта.

Тошкентдаги «ЎЭДЭУ электроника» Ўзбекистон—Корея қўшма корхонасида яратилаётган бежирим ва қўлай лозим, замонавий телевизор ва видеомагнитофонлар ҳам қисқа вақтдаёқ харidorлар меҳрини қозониб улгурди.

Кенг ва ёруғ хоналар, қўлай шартнолар, замонавий дастоҳлар ёнида меҳнат қилаётган ишчиларнинг барчаси бепул озик-овқат, махсус кийим-кечак билан таъминланган. Улар ана шундай корхонада ишлаётганидан фахрланишади. Дарҳақиқат, бу ерда инсон омили учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Тошкентнинг ўзида ана шу корхона маҳсулотлари билан савдо қилувчи икки тамағини ишлаб турибди. Тўғри қўшма корхона ҳозирча Кореядан келтирилган қисмларни йиғиб, тайёр буюмга айлантирмоқда. Лекин тез орада барча эҳтиёж қисмлар шу ернинг ўзида яратилган бўлади. Бунинг учун қизғин ҳозирлик ишлари кетляпти.

Иш бошида асосан маҳаллий кадрлар туршибди. Улар Кореяга бориб ўқиб, юқори малакали мутахассис бўлиб қайтишган.

Корхона ишчи-хизматчиларининг тағина қўлоқ тушганга, бу ерда бунёд этилаётган маҳсулотлар тез орада дунёнинг барча минтақаларида шўҳрат қозонишига амин бўласиз.

Абдунаби БОЙҚУЗНОВ, СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг илгор ишчилари: 1. Александр Хан, 2. Элира Зайкидинова.

Козимжон ҲЛМАСОВ олган суратлар.

БОЛАЛАР МЕНИ СУЙИБ ТАМАРА ОПА ДЕЙИШАДИ



Мен ҳам мустақил Ўзбекистон фарзандиман... Бу сўзларни қанчалик ифтихор ва қониқиб билан айтаётганимни билсангиз эди. Сабаби, Ўзбеклар ҳам бизнинг корейларга ўхшаб ишхўнда ҳалол, меҳнатқаш халқ.

Афсуски, улар ана шу қаттиқ меҳнатлари самарасидан узок йиллар тулиқ баҳраманд бўла олмади. Дилидагини очиб айтиб, мақсад ва орауларини тула амалга оширмоқдалар...

Шу халқ отасидан жуда эрта айрилган мендай кўнгли ярим бир корей қизининг кўнглини чўктирмай, ўқитмай волга етказди. Ўқитди, илми қилиб эл-юртга қўшди. Вугун Олтинқидаги С. Айнин номида мактабда ўзбек болаларининг ўқитиш тилини адабиётдан сабақ бераман.

Болалар билан соф Фаргона лажжасида гаплаганларимнинг учун бўлса керак, улар мени «Тамара опа» деб иззат қилишади. Умуман, биз яшаб турган малалари билан шу даражада киришиб кетганимизни, астини кўзларингиз. Бу албатта, оиламизнинг тилини ва маҳаллий урф-одатларини яхши билгани, ҳурмат қилганидан бўлса керак. Умуман, Ўзбеклар, тили, урф-одатларини қадрлаган одамга жонини иссор қилишади. Афсуски, бу хислат барча халқлардаям бирдай эмас...

Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидай, корей миллатига мансуб икки юз миңдан ортқ аҳоли истижомат қилиб келади. Улар тоталитар тузум машаққатларини ерлик аҳоли билан бирга, елкама-елка туриб, энгил ўтди десам янглишмайман. Вугун улар ҳам Ўзбекистоннинг ҳақиқий жаннат юрт, буюк мамлакат эканлигини дунёга исбот қилиш учун астойдил бел боғлаганлар.

Биз оиламиз билан ана шу икки буюк, «технатқаш мамлакатларимиз халқларининг ўзaro алоқалари, борди-кедиллари, мустақамлаш, бир-бирига тобора яқинлашиб бораётганидан ниҳоятда хурсандимиз. Халқимизда «Яхши ният — ярим давлат», деган нақл бор. Худуд хоҳласа, бу қийин кўнлар ҳам ўтиб кетади. Биз ҳам Корея Республикасини халқи еришган иқтисодий юксакликларга тез орада еришамиз. Ўзбекистон ҳамюртларимиз орау қилгандай буюк мамлакатга айланади.

Амрикул КАРИМ, (ЎзА).

— Ўзингизга яхши маълумки, мен республикамизга элчи этиб тайинланганимга қадар Корея Республикасининг Ўзбекистон билан бўлган муносабатлари Россиядаги элчихонаси орқали амалга оширилган эди. Тошкентда Олий даражадаги икки томонлама дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши эса, давлатларимиз ўртасидаги мустақамлашган ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилганидан гувоҳлик беради.

Бир давлатнинг бошқа бир мамлакатдаги вакили бўлиш — кишидан ниҳоятда катта масъулият талаб қилади. Айниқса, қадимий маданиятга эга бўлган, қисқа мурабалада жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари икки томонлама амалий имкониятларига эга мамлакатда элчи бўлиш аинмақдани масъулиятини бир неча марта оширади. Элчихонамизнинг асосий вазифаси назаримда, ўртадаги дўстлик ва ҳамкорликни имкон қадар юқори даражада кўтаришга ёрдам беришдан иборат бўлмоғи лозим. Президент Ислом Каримов 1992 йилнинг июлида Корея Республикасига қилган ташрифи чоғида бу алоқаларнинг бошланишига асос солган эди.

Тошкентда фаолият бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин тақрибларим ва менга ҳам бўлган ҳаммасларимнинг ҳулосалари шунини кўрсатмоқда, бу ерда бизнинг икки томонлама манфаатли ҳамкорликларини янада мустақамлаш учун гоғат катта имкониятлар мавжуд. Зеро илгари Корея Республикасида бўлгани ҳали Ўзбекистонда ҳам ҳали фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятлар кўп.

Хўсусли, сизнинг саволингизга лўнда қилиб шундай жавоб бериш мумкин: Ўзбекистон пойтахтида бизнинг элчихонамизнинг очилиши ўзбек-корей муносабатлари орасида янги ўфқлар очиб шўбҳасиз. Мен бунга чўқур ишонч билан қарайман.

— Сизнинг мамлакатингиз ютуқлари жаҳонга маълум. Хаммасидан ҳам кўра, қисқа мудатларда замонавий иқтисодий яратилишнинг ўтасидан чиқа олганларингиз ҳайратланарлидир. Мамлакатингиз тараққиётга эриша бошлаган ялқ сакрашлар даврини биздаги бугунги ахвол билан мувожаза қилган ҳолда Ўзбекистоннинг яқин келажикда истиқболини қандай тасаввур қилиш мумкин?

— Ҳар бир давлат ва ҳар бир халқнинг ўзига хос, тақдорламас йўли бор. Бу чўнинг табиий хўсуслиятлари, маданий-ишлаб чиқариш анъаналари, геополитик шароити ва ҳақоазоларда намойиш бўлади.

Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон тараққиётининг кўнраб истиқболли омилларига эга. Уларнинг ичиде энг муҳими — сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг устиворлиги. Буларсиз ҳеч бир давлатда юксатишлар юз бериши мумкин эмас. Сизнинг давлатингиз

раҳбарияти иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда ўзларининг олдларига пўхта ва аниқ вазифалар кўйган ҳамда уларни босқичма-босқич амалга оширишни режалаштирган. Бу имкониятлар ҳамда улкан табиий бойликлари, меҳнатсевар ва иқтидорли халқининг борлиги — «Ўзбекистон — келажик буюк давлат!» деган широнинг амалга ошириш мўқарарлигини кўрсатади.

Жанубий Корея ва Ўзбекистоннинг иқтисодий тизимлари ўртасидаги муштаракликларни солиштиришда, ҳулосаларимиз шунини кўрсатадики, биринчи ўринда унинг ривожидан халқ тезда манфаат қўриданган соҳаларга эътибор бериш керак. Мамнуният билан шунини таъкиллаш керакики, республикангиз раҳбарияти амалга ошираётган ижтимоий йўналишлардан бозор иқтисоди сийосати мамлакатингизни муваффақиятларга эриштириши шўбҳасиз.



— Бизнинг мамлакатингиз халқлари Ўзбекистон — Жанубий Корея иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида етарли даражада хабардордирлар. Сизингча, келажикда бундай алоқалар қандай йўналишда ривожланади?

— Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигида машҳур «ДЭУ» фирмаси етакчи ўрин тутайди. Бу — замонавий автомобиллар, электроника, машиини техника асбоб-ускуналари, деганидир. Лекин ўйлаймизки, бу ҳали бошланиши. Менимча, ҳали ана қатор истиқболли йўналишлар мавжуд. Мисол учун, Жанубий Корея фирмалари пахта толасини қайта ишлашдан тўнлаан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган технология заимияти тақомиллаштиришда иштирок этишлари мумкин. Шунингдек, қўрилиш, савдо, қишлоқ ҳўжали маҳсулотлари ва катта бизнеснинг бошқа доираларида ҳам икки томонлама фойдали шерикчилик имкониятлари мавжуд.

Мен фўрсатдан фойдаланиб, шу ерда ўзининг битта муҳим фикрини таъкилламоқчиман. Бизнинг мамлакатимиз ишбилармонлари, Ўзбекистонни фақатгина маҳсулот сотиш бозори ва хом ашё етказиб берувчи мамлакат, деган фикрдан йироқ. Уларнинг Ўзбекистон билан шерикчилик режалари биримча барқарорлик ва катто, айтиш мумкин, ўзaro ҳўжматга асослангандир. Улар сизнинг давлатингиз-


Advertisement for SHINDONG ENERCOM INC. featuring the Korean flag and text: КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЁН САМ ЖАНОБЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЛАДИГАН РАСМИЙ ДАВЛАТ ВИЗИТИНИ ЧИН ЮРАКДАН ҚУТЛАЙДИЛАР. Шиндонг Энерком Инк. Шиндонг Энтэрпрайсиз Ко. SHINDONG ENERCOM INC. SHINDONG ENTERPRISES CO.

Тамара КАРИМ, Фаргона вилояти.



*Корея Республикаси
Президенти*

Ким Ен Сам
жаноби олийларининг
Ўзбекистон Республикасига
расмий ташрифини қутлаймиз!



Жаҳон бозори сари йул шундайки, унда тасодифий қийинчиликлар, кутилмаган чигалликлар юз бериши эҳтимолдан холи эмас.

Бу йулни муваффақиятли босиб ўтишда Сизга тажрибали ҳамроҳ — "Самсунг Корпорейшн" фирмаси ёрдам беради. Мазкур фирма халқаро савдо-сотиқ ишларида 55 йиллик тажрибага эга. Жаҳон бозорида қийинчиликларни енгиб ўтиб, ютуққа эришмоқчи бўлганларга "Самсунг Корпорейшн" рисоладаги чинакам ҳамкордир!

SAMSUNG
CORPORATION

S.P.O. BOX 1144 SEOUL KOREA TEL. 751-3266 TELEX: STARS K23657 FAX: 728-4381

TASHKENT OFFICE: 700003 TASHKENT, UZBEKISTANSKI PROSPECT 45, UZBEKISTAN TEL: (3712) 45-90-79 FAX: (3712) 45-62-79

«Президент кубоги» кундалиги

ОЛЕГГА ИШОНСА БЎЛАДИ



мағлубиятга учрашга олиб келди — 4:6. — Олег ўзини қўлга олиб, учрашуда голиб чиқишига ишонган эдим, — дейди отаси Николай Огородов. — Чунки Олег ҳаёда оғир, хотиржам йигит. Шундай бўлсада бундай катта турнирда биринчи марта қатнашгани босиб, бунинг устига ўзиниғ ичра ҳамма унга муҳлислик қилиб, ифтихор билан турнирда Олегни ҳам ҳайжонлантирмай қолмади. Ўзгилнинг табиатини яхши билганим ва биринчи сетда мағлубиятга учрашга қарамай рақибга қўнганни маҳоратлироқ қўнганни учун ўчинг галаба қозонишга ҳеч шубҳа қилмадим. Ўзиниғ кўрдингиз, у ютиб чиқди. — Олегнинг бир нечта ўйинларини кузатдим, негадир у учрашув бошида сўст, охирида эса кучли ўйнайди. Бошқа турнирларда ҳам шундайми?

ЯККА баҳсларда 1/8 финал катнашчилари аниқ бўлди. Турнир олдидан ҳамюртларимиз 32 кучли теннисчилар рўйхатининг энг кўйи погоналаридан жой олишган бўлса, эндиликда кучли сақналикда Олег Огородов ҳам бор. Ха, ҳамюртларимиз германиялик кучли теннисчи Оливер Гроссин ҳам доғда қолдириди. Дастлабки сет геймларида Олегнинг ҳаяжонлангани сезилди турди. Шунинг натижасида учинчи — ўз кейини ютказиб қўйиши биринчи сетда

— Йўқ, Бу сафар унга зиммасидаги каттароқ масъулият ҳалақит берапти. Бунинг учун рақиблари жазолагач, у яна ўз ўйинини топпапти. — Олег ва Гросс учрашувини қандай баҳолайсиз? — У ўғлим учун жуда қийин, оғир кечди. Айтиш мумкинки турнирнинг энг қизиқарли учрашувларидан бири ҳам улар ўртасидаги беллашув бўлди. Бу сафар омад Олега кўлиб қолди. Эйтиб бериш билан бўлганга бир неча марта ўртага теккан тўплар Гросс томонига тушди. Яна шунинг айтиш кераки, шу кунги Гроссининг дастлабки зарба-ларини ноаниқ бўлди. Бу эса Олегага галаба олиб келди. — Ойлангиздан Олегага муҳлислик қилиш учун яна кимлар келишган? — Икки фарзандим бор, Каттаси — инизим, ҳозир Исроиляда. Олег ҳам ўйнаган. Бир кизи бор. Биз ҳам-

мамиз кунда — шундамиз. Николай Огородов билан Олег Гроссин мағлубиятга учрашиб, (4:6, 6:3, 6:4) — 45 дақиқадан сўнг яна жуфтлик баҳсларида қор-тага чиққан, Дмитрий Томашевич иккиси М. Блэкмен — Ж. Блум жуфт-лигига қарши курашаётган пайтда қарши курашаётган пайтда иккинчи сет баҳслари кетаётганди. Биринчи сетда ҳамюртларимиз галаба (6:4) қозонишган, иккинчи сетда 2:4 ҳисобда бой беришаётган эди. Ҳамюртларимиз яна савола-ту-таман. — Олегнинг Гросс билан учрашувда галаба қозони-шини биринчи сетдан сўнг баҳорат қилган экансиз. Бу сафар ним ютади? — Албатта, бизникилар. Тўғри, Олегада биров чар-чоклик найфяти кўриляпти. Лекин ўйламанки, улар учинчи сетда галаба қозонишди. Албатта бу Димага ҳам боғлиқ.

Турнир совғаси

РАКЕТКА ТУТГАН БОЛАЛАР



Пойтахтимизда ўтаётган теннис бўйича «Президент кубоги» халқро турнири томошбинлар билан ниҳоятда гажум. Теннис ихлосмандлари орасида тур-нирий отахонлардан го-ратиб, ёш болаларгача уч-ратиб мумкин. Тошкентда илк бор бўлаётган бундай улкан теннис байрамининг ҳамюртларимиз орасида катта қизиқиш уйғотган-лиги, қувонарли ҳол, ал-батта, ўз навобатда, ўйин-ларини томоша қилиш учун таширф буюрганлар ҳам ажойиб тўхталарга му-шарраф бўлишляпти. Гап шунданки, бу ерда Ўзе-бистон Республикаси Пре-зиденти номидан ҳар бир кишига турли-туман совга-лар улашляпти. Теннис копточлари, ракеткалар, турнир рамзи туширилган ёғи бош кийимлар, фут-болкалар, авторучкалар ва бошқа нарсалар шулар жумласидандир. Ушбу «ку-тилмаган» янгиликдан бар-чанин, айниқса, болакай-ларнинг қувончлари ченсиз. Биз совга олаётган бола-ларнинг айримларини са-волга тутдик.

— Ҳазир теннисга жуда қизиқаман, — дейди Тош-кентдаги 96-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Абдуқаном. — Бу ерда машҳур ўйинчилар илганидан хабарим бор. Уларнинг ўйинларини то-моша қилиш учун келу-в-дим. — Сенга бугун нималар совга қилишди? — Ракетка билан теннис копточини. — Ҳазир теннис ўйна-ши биласанми?

— Оз-моз. Лекин, мана энди ўзининг ракеткам билан копточинга эга бў-лд-им. Бугунга яхши ўр-ган-иб кетаман. — Келажакда қандай ағаси бўлишни хо-ҳ-лайсан? — Теннисчи бўлмоқчи-мисан, деган маънода сў-ра-лясизми? — Борди-ю, шундай дея савол берсам-чи? — Ҳозирча аниқ бир нар-са дея олмаيمان. Бироқ,

тўғриси айтсам, бу ер-даги профессионал тен-нисчиларнинг маҳоратлари-ни кўриб, теннисга жуда қизиқиб қолдим... — Қўлингиз нима? — атай билмасликка олиб са-вол бераман ўзини 17-мак-табнинг 6-синф ўқувчиси Отабек Раҳматуллаев, деб таништираган болакайдан. — Кўриб туриб сўра-сиз-а? Ахир бу ракетка-ку, — Каердан олдинг? — Ана у ердан, — деб

— Қизик экансиз, ахир бугун зўр ўйинлар бўлади. Уларни томоша қилиш ке-рак. — Кимлар ўйнайди? — Мен яхши кўрадиган теннисчилардан марокаш-лик Карим Алами билан Ўзбекистоннинг тошкентлик Дмитрий Томашевич рақиб-ликларини, халқ ҳўжалигини турли жаҳонларда фи-докорона меҳнат қила-ётган ажойиб замондош-ларимизнинг қалб ҳарора-ти, ўй-режаларини, қўн-ду-лаё воқеаларини кўп со-ли радиотингловчиларга ет-казишда жонкуярлик кўр-са-ти. Шу босдан бўлса ке-рак, республикамизнинг бирор бурчаги йўқни, унинг мафтункор овозини эшит-маган, сеҳрли санъатдан баҳраманд бўлмаган, таъ-сирланмаган, унга гоийбо-на ихлос эътиқод қўйма-ган бўлса, Унинг муҳли-слари нафақат Ўзбекистон, қўшни Қозғистону Қир-ғизистон, Тоғжистону Турк-манистон Республикалари-да ҳам бисёр эди.

— Карим Алами билан Дмитрий Томашевичга му-хлислик қилар экансан-да. — Ха. Худлас, «Юусобод» тен-нис сароясига келган бо-ла-лар, шунингдек катталар ҳам хурсанд бўлиб кети-шляпти. Бу ерда қўллар-га ракетка тутган юзлаб бола-ларга кўзингиз туша-ди. Ажабмаски, келажакда уларнинг ичидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Петр Корда, Чак Адамс ка-би дунёга машҳур теннис-чилар етишиб чиқса.

— Ҳазир теннисга жуда қизиқаман, — дейди Тош-кентдаги 96-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Абдуқаном. — Бу ерда машҳур ўйинчилар илганидан хабарим бор. Уларнинг ўйинларини то-моша қилиш учун келу-в-дим. — Сенга бугун нималар совга қилишди? — Ракетка билан теннис копточини. — Ҳазир теннис ўйна-ши биласанми?

— Карим Алами билан Дмитрий Томашевичга му-хлислик қилар экансан-да. — Ха. Худлас, «Юусобод» тен-нис сароясига келган бо-ла-лар, шунингдек катталар ҳам хурсанд бўлиб кети-шляпти. Бу ерда қўллар-га ракетка тутган юзлаб бола-ларга кўзингиз туша-ди. Ажабмаски, келажакда уларнинг ичидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Петр Корда, Чак Адамс ка-би дунёга машҳур теннис-чилар етишиб чиқса.

— Карим Алами билан Дмитрий Томашевичга му-хлислик қилар экансан-да. — Ха. Худлас, «Юусобод» тен-нис сароясига келган бо-ла-лар, шунингдек катталар ҳам хурсанд бўлиб кети-шляпти. Бу ерда қўллар-га ракетка тутган юзлаб бола-ларга кўзингиз туша-ди. Ажабмаски, келажакда уларнинг ичидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Петр Корда, Чак Адамс ка-би дунёга машҳур теннис-чилар етишиб чиқса.

— Карим Алами билан Дмитрий Томашевичга му-хлислик қилар экансан-да. — Ха. Худлас, «Юусобод» тен-нис сароясига келган бо-ла-лар, шунингдек катталар ҳам хурсанд бўлиб кети-шляпти. Бу ерда қўллар-га ракетка тутган юзлаб бола-ларга кўзингиз туша-ди. Ажабмаски, келажакда уларнинг ичидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Петр Корда, Чак Адамс ка-би дунёга машҳур теннис-чилар етишиб чиқса.

— Карим Алами билан Дмитрий Томашевичга му-хлислик қилар экансан-да. — Ха. Худлас, «Юусобод» тен-нис сароясига келган бо-ла-лар, шунингдек катталар ҳам хурсанд бўлиб кети-шляпти. Бу ерда қўллар-га ракетка тутган юзлаб бола-ларга кўзингиз туша-ди. Ажабмаски, келажакда уларнинг ичидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Петр Корда, Чак Адамс ка-би дунёга машҳур теннис-чилар етишиб чиқса.


— Сиз қандай ўйла-сиз, Олег яқкаликда кучли ўйнайди, жуфтликда? — Яқкаликда. — Кейинги рақиб Вен-гриянинг энг кучли теннис-чиси Ш. Ножади экан... — Ножадининг ўйини кўрдим, ўйламанки Олег ундан устун келади ва 1/4 финалга чиқади. Шу кунги Николай Ого-родов иккинчи учрашув натижасини олдиндан айтиш-да адашди. Унда Блэкмен — Блум жуфтлиги галаба қозонди — 6:4, 3:6, 2:6. Ҳамюртларимиз эса 1/4 финалга чиқишдан маҳрум бўлишди. Энди ҳамма умид яна Олегадан. У кеча кечку-рун Шандор Ножади бил-лан учрашди. Шу кунги ўтказилган қол-ган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: — Ф. де Вульф (Бельгия) — Л. Немечек (Чехия) — 6:1, 6:1. — М. Блэкмен (АҚШ) — В. Спалеа (АҚШ) — 3:6, 2:6. — Ш. Ножади (Венгрия) — М. Пастура (Аргентина) — 7:6, 6:3.

Раул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

— Карим Алами билан Дмитрий Томашевичга му-хлислик қилар экансан-да. — Ха. Худлас, «Юусобод» тен-нис сароясига келган бо-ла-лар, шунингдек катталар ҳам хурсанд бўлиб кети-шляпти. Бу ерда қўллар-га ракетка тутган юзлаб бола-ларга кўзингиз туша-ди. Ажабмаски, келажакда уларнинг ичидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Петр Корда, Чак Адамс ка-би дунёга машҳур теннис-чилар етишиб чиқса.

— Карим Алами билан Дмитрий Томашевичга му-хлислик қилар экансан-да. — Ха. Худлас, «Юусобод» тен-нис сароясига келган бо-ла-лар, шунингдек катталар ҳам хурсанд бўлиб кети-шляпти. Бу ерда қўллар-га ракетка тутган юзлаб бола-ларга кўзингиз туша-ди. Ажабмаски, келажакда уларнинг ичидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Петр Корда, Чак Адамс ка-би дунёга машҳур теннис-чилар етишиб чиқса.

Хотира УНИНГ СЕҲРЛИ ОВОЗИ ҲАМОН ҚУЛОҚЛАРИМИЗ ОСТИДА ЖАРАНГЛАБ ТУРИБДИ



Донлардан бири «Табиат кимгани ўтир, соф бу-лоқдай қўйилиб келадиган ва жарангдор овоз ҳаё-да эгган бўлса, у киши бахтирдир», деган экан. Ўзбекистон радиосининг истеъдодли диктори Қо-дир Махсумов ана шундай бахт соҳибларидан эди. Ҳозирги овози қирқ йилдан зиёд давр мобайнида ҳаво тўқинларида янграб, миллион-миллион киши-ларни ўзинга ром этиб келди.

талаш эди. Таъёрлаган эшиттиришларимизни ҳам кўпроқ Қодир ака олиб бо-ришни истардик. Айниқса, пахта йигим-терими мас-су-мида, виллоятлар пахта тай-ёрлаш режаларини бақар-ганларида, уларга бағиш-лаб тайёрланган махсус эшиттиришларни Қодир ака ҳамнафаси, Ўзбекистон халқ артисти Тўйғуноў Юнусхўжаева билан бирга-ликда олиб бориши олат тусига кириб қолганди. Бордию, бирор сабаб бил-лан бу иш амалга ошмаса, ўша виллоятларнинг раҳбар-лари радиого қўнғироқ қи-лишиб, «Биз эшиттиришни Қодир ака билан Тўйғуноў опа олиб борай деб кут-ган эдик, нима бўлди?» дея сўраб, сурштирган кез-лар ҳам бўлган.

Бир кун шундай бўл-ди. Сирдарё виллояти. Оқ олтин туманидаги «Фарго-на» давлат ҳўжалигидан бевосита эшиттириш тай-ёрлайдиган бўлди. Эшит-тириш сценарийини тай-ёрлаб, қелишылган кунги артистлар, дикторлар, ре-жиссёрлардан иборат катта ижодий гуруҳ ўша ҳўжа-ликка йўл олди. Орамиз-да Тўйғуноў опа билан Қо-дир ака ҳам бор эди. Йўл-йўлакка Қодир ака чор-атрофга завқланиб назар ташлар, эгатларга қирқ-ноқил қилиб сув таратаёт-ган миришкорларга, чо-лиқ тракторларини моҳир-лик билан бошқараётган меҳанизаторларга шипра қиларкан «Меҳнат қилиш-ларини қаранг, ҳар қанча мадҳ этсан, бор овозимиз эътиборини қозонган ўн-га яқин кўшиқлар ҳам ўша азиз инсон қаламига ман-суб.

Ушбу мақолада эгиб борини-миз биланок боқча тўпла-ганлар Қодир ака ҳўзидан гурунғ кўр олиб кетди. Қодир ака ҳаёт бўлган-ларида шу кунларда (4—июнь назарда тутиляпти) 70 ёшга тўлган бўларди. Афсуски, севайт ўлим бунга йўл бермади. У ки-шини орамиздан барвақт олиб кетди. Начора. Ўлим ҳан, инсон абадий эмас. Лекин Қодир аканинг яхши ишлари, хайри хизматлари мангу яшайди. Мана бир неча йилдирки, Қодир Махсумов орамизда жисман йўқ бўл-са-да, ёқимли ва ёқинли, ширадор ва шиддаткор, ай-ни чоғда сеҳрли овози ҳа-мон қўлоқларимиз остида жаранглаб, қалбларимиз қасрида акс-садо бериб ту-рибди.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ, Республика радиоси ик-тисодиёт ва қишлоқ ҳаё-ти муҳарририятининг бош муҳаррири.

У ҳаминча талабчан ра-диоэшитувчилар билан му-лоқотининг юксак масъули-ятини ёдда тутди. Давр нафасини, содир бўлаётган ўзгаришларни, турфа янги-ликларни, халқ ҳўжалигини турли жаҳонларда фи-докорона меҳнат қила-ётган ажойиб замондош-ларимизнинг қалб ҳарора-ти, ўй-режаларини, қўн-ду-лаё воқеаларини кўп со-ли радиотингловчиларга ет-казишда жонкуярлик кўр-са-ти. Шу босдан бўлса ке-рак, республикамизнинг бирор бурчаги йўқни, унинг мафтункор овозини эшит-маган, сеҳрли санъатдан баҳраманд бўлмаган, таъ-сирланмаган, унга гоийбо-на ихлос эътиқод қўйма-ган бўлса, Унинг муҳли-слари нафақат Ўзбекистон, қўшни Қозғистону Қир-ғизистон, Тоғжистону Турк-манистон Республикалари-да ҳам бисёр эди.

Қодир Махсумовнинг нуқтонлиқ маҳорати, са-лоҳияти классик адабиёт намуналарини талқин эт-та-дан, айниқса, ёрқин на-моён бўлди. У ҳазрати Навоий лирикасини, Маш-раб ва Бобур газалларини қойилмақом қилиб ўқит-гани, буни муҳлисларининг қайта-қайта эътироф этган-ликлари тўла тасдиқлаб ту-рибди. Истеъдодли сўз устаси, бир қанча радиостанов-чаларда бошловчи сифатида фаол қатнашган. Унинг «Алишер Навоий», «Отел-ло», «Хамлет», «Қирол Лир», «Ганг дарёсининг қизи», «Фарҳод ва Ширин», «Майсарининг иши» ёнгарии ўнлаб постановна-

лардаги ижролари эъти-борга молик бўлиб, бугун-ги кунда радио хазинаси-нинг дурдона асарларига айланган. Қодир ака яхшигина ижодкор ҳам эди. Унинг адабий фаолияти махсули — «Муҳаббат қўшиғи», «Инсон меҳри», «Орзула-ринг йўлида» деб номлан-ган ҳикоялар тўпламлари кўп нусхада чоп этилган. «Шарафли меҳнатим», «Саодатли дўғирман», «Офарин айтмоққа кел-дим» каби шинавандалар эътиборини қозонган ўн-га яқин кўшиқлар ҳам ўша азиз инсон қаламига ман-суб.

Одатда шоғирд тайёрла-маган талант соҳибини ме-васиз дарахтга қиёслашди. Агар шу нунган назардан баҳолайдиган бўлсан, Қо-дир ака сермахсул санъат-кор эди. У ўнга хос маҳор-рат мактабин яратиб, қўл-лаб ёш, иқтидорли суҳан-донларга устозлик қилди. Бой тажрибасини эринмай, миннат қилмай шаоват бил-лан ўргатди. Эндиликда ўз услубини яратиб, радио-тингловчилар, телемоша-бинлар олқинини олаётган Неймат Эгамбердиев, Мир-зоид Раҳимов, Абдулла Матназаров, Тўфaxon Аҳ-медова, Салима Нурмато-ва, Неймат Муродов, Ди-л-кора Бобоқонова, Абдура-сул Абдуллаевлар Ўзбеки-стон халқ артисти Қодир Махсумов мактабиде тах-сил кўрган иқтидорли ди-кторлардир. Қодир ака ҳар қандай эшиттиришга жон бағиш-лаб юборарди. Шу бос у муҳарририятлар ўртасида

«СИНАБ» саяҳат фирмаси. Ўзбекистон ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатлари фуқароларини қуйидаги давлатларга саяҳат қилишга таклиф этади: Малайзия, Сингапур, Таиланд, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқалар. Телефонларимиз: 53-39-16, 53-72-18, 53-23-75. Манзилимиз: 700059, Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 93 (аввали Шота Руставели кўчаси).

«ИНКОМЦЕНТР» ПЛАКМФ ҚИЛАДИ. 1. Германияда ишлаб чиқарилган олий навли «Николай II», «Помонофф», «На здоровье» арақлари. 2. «Хеннин Кайзер Премиум» маркали пивоси /банка идишда/. 3. Ҳар хил ва асл мевалардан тайёрланган табиий шарбат ичимлиги. Юқори сифатли, бироқ арзон нархда. Сизнинг соғлигингиз учун! Мурожаат учун телефон: 54-44-03.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Бухоро виллояти Олот туманидаги Аму-Бухоро давлати қурилиши бошқар-масига дарашли 1-НМҚга давлат бани томонидан берилган ҳисоб рақами 887722604 ва чек тарти-би № 714405 дан бошла-ниб — 714450 да тамом бў-лувчи лимит чеки ва ШАРИПОВ НУРИТДИН номига берилган 209 ра-қамли ишонч қозони 88 қолганини сабаблн ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-лансин.

Айни шароитда жамғармангизни қаерга қўйишни билмасангиз, «Титан» пулингизни ўзингиз учун ишлашига имконият яратаяди. Ва бунинг учун Сиз фақат биздангина ҳар ойда 30 фроз қўшимча ҳақ оласиз! Тошкентдаги телефонларимиз: 77-30-11 Соат 15.00 дан 22.00 гача 24-99-23 Соат 9.00 дан 18.00 гача 29-35-12 Соат 9.00 дан 18.00 гача

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА! Сизга биринчи марта республикамизда қуриляётган йирик тўқимачилик комбинати — «ТУРЛАН» ҳиссадорлик жамияти /таъсис қилмаси 18.000.000.000 сўм-кўпона/ эълолик қилиш имконияти таклиф этилмоқда. Йирик сановат корхоналари ва бир қанча пахта етиштирувчи ҳўжаликлар «ТУРЛАН» ҳиссадорлик жамиятининг мўассислари ҳисобланишляди. Акцияларни ҳамда қўшимча маълумотларни «ТУРЛАН» ҳиссадорлик жамиятининг расмий дилерларидан олшингиз мумкин. Жавобгарлиги чекланган «КОНСЕНСУС» жамияти телефон: 55-26-24. «НАТУРАЛИСТ» ПКФ телефон: 53-75-55.

«Маданият» илмий-ишлаб чиқариш савдо-маданий маркази Тошкентдаги омборидан «УРАЛ» мотоцикллари, Хитой кўк чойи, чет эл ақ оқлари, сақичлар ва бошқа халқ истеъмол молларини сотади. Маълумот учун телефонлар: 45-57-68, 45-85-56, 45-49-52.

«Баринш - Тижарет» шўба ширкати нақд пулсиз сўм-купонга қуйидаги хомашёларни харид қилади: 1. Пахта ипликларни N 34 /1,2/ ва 54 /1,2/. 2. Кўй териларини. 3. Хом безларни. Маълумот учун: 41-00-72, 41-01-72.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти жамоат-чилиги Республика шароитли марказининг директори, Ўзбекистон Республикасини ФАнинг академиги, Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори Восит Воҳидович ВОҲИДОВНИНГ вафот этганлиги мўносабати билан унинг оиласи ва фар-зандларига чуқур таъзин билдиради.

Халқ сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛМОВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ (бош муҳар-рир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҚЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир Ж. Сафоев, навбатчи М. Холматова.